

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

**Г.Юсупова**

Ўзбекистон халқ хўжалигида Фарғона иқтисодий районининг ўрни (ХХ асрнинг 50-70 йиллари мисолида) ..... 162

**Д.Юлдашева, Н.Набиева**

Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” ҳужжатли лиро-эпик қиссасида замонамиз қаҳрамони масаласи ..... 165

**И.Жўраев**

Бадий адабиётда ижтимоий-маиший муаммолар ифодаси ..... 168

**О.Холматов**

Э.М.Ремарк романларида уруш ва инсон талқини ..... 171

**С.Хақназарова**

Абдулла Шер асарларида миллий менталитет ва маҳаллий колорит ифодаси ..... 175

**А.Мамажонов**

Мазмуни умумлашган қўшма гаплар ..... 178

**Н.Қўлдашев**

Экологик лингвистика фанлараро илм-фан сифатида: манба ва динамика ..... 181

**М.Ғофурова**

Нутқнинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқланганлиги ва уни белгиловчи омиллар ..... 185

**У.Буриева**

Функционал дискурс таҳлили муаммолари ..... 189

**Д.Ҳакимова**

Нутқий мулоқотнинг гендерологик фарқланиш масалаларига оид ..... 192

**Ҳ.Сотволдиева**

Мақол ва маталлар оламни идрок этиш миллий хусусиятларининг инъикоси сифатида ..... 195

**М.Мамажонов**

Аллюзив антропонимлар ва уларнинг бадий матнда қўлланилиши ..... 198

**Ш.Имомназарова**

Ўлан ва лапар жанрларининг ўзаро муштарак ҳамда фарқли хусусиятлари ..... 200

**Ф.Анварова**

Синонимларнинг тилда қўлланилиши ..... 204

**М.Ҳайитова, М.Мирзаҳмедов**

Боғча болалари ўртасида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг баъзи педагогик асослари ..... 207

УДК: 8-1-9+8+33/.83

**БАДИЙ АДАБИЁТДА ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ МУАММОЛАР ИФОДАСИ****ОТРАЖЕНИЕ СОЦИАЛЬНО-БЫТОВЫХ ПРОБЛЕМ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ****REFLECTION OF SOCIAL AND HOUSEHOLD PROBLEMS IN FICTION****И.Жўраев****Аннотация**

Мақолада сўз санъати воситасида майший турмуш муаммолари ҳамда ижтимоий инқироз масалаларининг ёритилиши, шахс ва жамият муносабатлари хусусида сўз юритилади.

**Аннотация**

В статье рассматриваются вопросы, связанные с повседневной жизнью и социальным кризисом через искусство речи, а также отношения между личностью и обществом.

**Annotation**

The article explores the problems of household life and social crisis through the use of word art, the relationship between personality and society.

**Таянч сўз ва иборалар:** майший турмуш, ижтимоий ҳаёт, шахс ва жамият, воқеликка муносабат, бадиий асар, гоявий мақсад, муаллиф позицияси.

**Ключевые слова и выражения:** быт, социальная жизнь, личность и общество, отношение к реальности, художественное произведение, идеологическая цель, позиция автора.

**Keywords and expressions:** household life, social life, personality and society, attitude towards reality, fiction, ideological purpose, position of the author.

Юртимизнинг кўп асрлик истибоддозанжирларидан халос бўлиб, халқимиз асрий орзуси бўлган мустақилликка эришганидан сўнг ижтимоий муносабатларда, шунингдек, кишилар онги ва маънавиятида ҳам улкан ўзгаришлар рўй бера бошлади. Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланмоқда, жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлида муваффақиятли силжишлар рўй бера бошлади.

Дарҳақиқат, ҳаёт факат кун кечириш воситаси бўлган стихияли жараён эмас, балки одамлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи, кишилар онги ва тафаккурида, маънавиятида таълимий-тарбиявий роль ўйновчи мухим омил бўлмоғи лозим. Бунинг учун шахс ва мухит, инсон ва жамият муносабатларида миллий қадриятлар қамровига кирувчи илм-маърифат, ижтимоий адолат, эрк, ҳуррият тушунчаларининг барқарор ва бардавом бўлиши учун курашмоқ ҳаммамизнинг фуқаролик бурчимишга айланиб бормоқда. Бу борада миллий ўзига хослигимиз, азалий анъаналаримиз, Истиқлол туфайли шаклланган миллий мафкурамиз бизга

яқиндан ёрдам беради.

Инсоният тарихида шундай даҳо санъаткорлар бўлганки, улар ўз ҳаётини, ижодини, фикру заковатини халқнинг бугунги турмушини яхшилашга, эртанги кунини чароғон қилишга бағишилаганлар. Дарҳақиқат, бир қанча миллатпарвар адиллар қатағон туфайли маънавиятимиз тарихидан юлиб олинганига қарамай, улар меросини ўрганиш, асарларида кўтарилган маънавий-ахлоқий муаммоларни тадқиқ этиш бугунги истиқлол шароитида янада долзарблик касб этмоқда. Зоро, улар ижодининг моҳияти жамият ва миллат ниятларини ифодалаган бўлиб, халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилган. Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби фидойи зотлар нафақат бадиий ижодлари, балки амалий фаолиятлари билан ҳам бу борада фидойилик кўрсатганлар.

Ҳар бир миллат узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланади. Унинг шаклланиши ўзига хос табиий ижтимоий-иқтисодий шароитларда кечади. Жамият вакили бўлган шахснинг шаклланишига эса у мансуб бўлган миллатнинг озодлиги, фаровон майший турмуши, ижтимоий-маданий мухитгина

**И.Жўраев –** ФарДУ табиий ўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси ўқитувчisi.

эмас, умуман, бутун ижтимоий муносабатлар мажмуаси таъсир кўрсатади. Инсон маънавий қиёфасини эса ана шу ижтимоий муносабатлар белгилайди. Бадий асарда муайян халқ руҳини, хоҳишистаги, миллий менталитетини ҳаққоний ифодалай олиш даражаси эса сўз санъаткорининг кўп жиҳатдан ана шу халқ билан қай даражада руҳан яқинлиги билан белгиланади.

Адабиёт жамият ҳаётининг кўзгуси бўлиш билан бирга инсоншунослик манбай ҳамdir. Ижтимоий ҳаётда рўй берәётган ҳар бир воқеа-ҳодиса бадий адабиётда у ёки бу даражада ўз аксини топади. Шу жумладан, ижтимоий воқелик ҳамда муҳит муносабатлари, унда рўй берәётган жараёнлар ҳам сўз санъаткорлари томонидан бадий тадқиқ этилади, фалсафий –эстетик хулосалар чиқарилади. Муайян маънавий-маърифий ғоялар олға сурилади [5,21].

Жаҳон сўз санъатининг таркибий қисми бўлган ўзбек адабиёти ҳам бундан мустасно эмас. Халқимиз ҳаётида рўй берган тарихий воқеа-ҳодисалар адиллар томонидан баҳолиқудрат қаламга олинган. Жумладан, юрт озодлиги ва хуррият масалалари, шахс ва жамият муносабатлари, илм-маърифат ва инсон тақдири муаммолари бир қанча адабий асарларнинг майдонга келишига сабаб бўлди. Адилларнинг услугуб ва дунёқарашлари, хулоса ва позициялари турлича бўлишидан қатъий назар, янги давр, янгича қарашлар, замонавий муносабатлар сўз санъати намуналарида тобора кенг қамров касб этиб борди. Мумтоз адабиётимиздан бошлаб то бугунги адабий жараёнгача инсон ва жамият тақдири, муҳит ва тарихий шароит туфайли майдонга келадиган шахс эрки ва озодлик масалаларига катта эътибор берилган. Нафақат шеърият, балки насрий намуналарда ҳам мазкур ҳаётий муаммоларнинг эл-юрт равнақидаги беқиёс ўрни эътироф этиб келинди.

Турли поэтик жанр ва шакллардаги изланишлар фақат ҳаёт ва воқеликнинг янги- янги томонлари, давр ва жамият тараққиёти билан, инсон ва инсоният тақдири билан синкетик уйғунлиқда тадқиқ этилса ва ана шу поэтик тадқиқот янги ғоявий-эстетик ҳамда фалсафий

умумлашмаларда ёритилса, умумбашарий мөхият касб этади [6,42].

Инсоннинг ўзи мансуб бўлган муҳит билан муносабати қадим-қадимдан ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутиб келган. Бизгача етиб келган фольклор намуналари, айникса, эртак ва мақолларда, латифа ҳамда маталларда муайян қаҳрамон образи халқ донишмандлиги, зукколигини акс эттиришда кўл келган. Халқ қаҳрамонлари ўз салоҳиятларини намойиш этишларида, омманинг дард-ташвишларини барадла айтишларида муҳит билан муносабатлари муайян саҳна ролини ўтаган, дейиш мумкин.

Аждодларимиз шахс ва жамият муносабатларини, майший турмушнинг ижтимоий-сиёсий воқелик билан алоқадорлигини ифодаловчи бир қанча афоризмларни яратганлар: “Мен нима дейман, қўбизим на дейди”, “Замон сенга боқмаса, сен замонага боқ”, “Замона зўрники, томоша кўрники” сингари ҳикматли сўзлар замирида халқимиз шахс ва жамият муносабатларига воқеликдан келиб чиқиб, ўз қарашларини ифодалаганликлари кўриниб турибди. Шунингдек, шахс эркинлиги, юрт озодлиги, хуррият, ижтимоий адолат ҳақидаги мушоҳадалар ҳам шахс образи билан боғлиқ кинояли мақолларда ёрқин ифодаланади. Дарҳақиқат, халқ қадим замонлардан буён ҳикматлар орқали ҳамда ўз адабий қаҳрамонлари тилидан носоз замона ёки ноқис тузумга зимдан бўлса-да, ўз муносабатларини билдириб келган. Шунингдек, “Сусамбил”, “Камбағал ботир ва золим шоҳ” сингари эртакларда бахт-саодат, адолатли тузум, ўз меҳнатининг роҳатини кўриш, адолатнинг жаҳолат ва зулмдан устун келиши ҳақидаги орзу-умидларини баён этган. Халқ эртакларининг аксариятида ҳам шахс ва жамият муносабатлари, майший турмуш ҳамда ижтимоий-сиёсий муҳит алоқадорлиги мавзуси етакчи ўрин тутади. Чунки воқелик турли тоифа кишилар, хилма-хил характерлар, бетакор воқеа-ҳодисаларни ўзида мужассамлаштирган маскан бўлиб, бадий асар персонажларининг ҳаётийлигини, воқеа-ҳодисалар ҳаққонийлигини таъминлайдиган муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Улуғ форс-тоҷик шоири Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома” асарида афсонавий ҳукмдорлардан бўлмиш Захҳокнинг

ҳалокати ва салтанатининг инқирози илдизларини худбинлиги, ўз жонини асраш учун раъиятни хатарга қўйишдан тоймаслигидан излайди. Маиший турмуши, шахсий манфаати йўлида мамлакат келажаги бўлган навқирон ёшларни муентазам қатл этиши охир-оқибатда ҳалқ вакили бўлган темирчи Кова раҳбарлигидаги исён ва қўзғолонни келтириб чиқаради. [1,62]

Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” достонининг бош қаҳрамони бўлган шоҳ Баҳромни аркони давлат ва яқин кишилари билан ер ютиши ҳодисасини баён этишдан аввал унинг маиший турмушдаги тутуруқсизлиги, шахс сифатидаги таназзули омилларини бирма-бир очиб беради. Натижада ер ютиш ҳодисаси ҳам рамзий, ҳам ўз маъносида китобхонни ишонтиради. [2,457]

“Бобурнома” муаллифи темурийлар салтанатининг сўнгги вакилларидан бўлган Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлигининг тарих саҳнасидан тушиб кетишини ҳам маиший турмуш носозлиги, шахс сифатидаги инқирози фонида кўради: Ҳусайн Бойқаро “аввал таҳт олғон маҳалда олти-етти йил тоиб эди. Андин сўнгра ичкуга тушди. Қирқ йилға ёвуқким Хурросонда подшоҳ эди, кун йўқ эдиким, номози пешиндан кейин ичмагай... Үғлонлари ва жамъи сипоҳига ва шаҳрига бу ҳол эди. Ифрат била (ҳаддидан ошириб) айш ва фисқ қилурлар эди.” [3.190]

Алишер Навоий ҳам Ҳусайн Бойқарога ёзган иншо-мактубларидан бирида шоҳни ичкиликбозлиқ, майпарастлиқдан воз кечишига ундаиди, ҳалқ аҳволи билан қизикиш, адолатли сиёsat юритишга даъват этадики, бу, юқоридаги муносабатлар ҳақиқатта яқин эканлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, бундай фисқ-фасодлар, ниҳояси йўқ майшатбозликлар, салтанатнинг эртанги куни ҳақида қайғурмаслик Ҳусайн Бойқаронинг набираси Мўмин мирзонинг бевақт ҳалок бўлишига, шу сабабли темурийлар ўртасидаги ўзаро низоларнинг янада авж олишига олиб келади.

Кўринадики, инсон ва шахс тушунчаси, унинг воқелик билан муносабатлари, ҳодисаларнинг инсон маънавиятига таъсири масалалари ҳақидаги тасаввур ҳалқимизда жуда қадимдан шакпланган, қадриятларимизнинг муҳим таркибий қисми сифатида яшаб келган. Юрт озодлиги, шахс эрки, илм-маърифат, қолаверса, маънавий-фалсафий хусусиятлар ҳам шахснинг ижтимоий муҳитдаги ўрни мавзусига уланиб кетадики, бу мавзу ҳам тарихий жиҳатдан, ҳам фалсафий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, шахс тажрибаси ёшларни турмушга тайёрлаш, ҳаёт сабоқларини ўргатишда ҳам муҳим манба вазифасини бажарган.

#### Адабиётлар:

1. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. –Т., 2019
2. Алишер Навоий. Ҳамса. –Т., 1960.
3. “Бобурнома”. –Т., 1991.
4. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. –Т., 1993.
5. Жўраев Ҳ. Лирик қаҳрамон ва муаллиф шахсияти. –Т., 2008.
6. Султон И. Адабиёт назарияси. –Т., 1980.
7. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. –Т., 1996.
8. Ҳайит Тўлқин. Темурий ижодкорлар. –Т., 2016.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)